

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 5 ноябрь, №239 (3067) Сешанба


## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, Азиз Дўстим!*

*Ўзбекистонга расмий ташриф давомида бизга уюштирилган қабул учун Сизга шахсан ўз номимдан, рафиқам ва делегация аъзолари номидан чин қалбдан миннатдорлик билдираман. Польша — Ўзбекистоннинг келгуси ҳамкорлигига бағишланган мароқли ва муҳим музокаралар менда катта таассурот қолдирди. Аминманки, улар Польша — Ўзбекистон муносабатлари ривожида янги муваффақиятли босқични очди.*

*Ўзбекистон Ўрта Осиё хавфсизлиги ҳамда шу минтақанинг келгуси демократик тараққиёти йўлида муҳим рол ўйнайди. Шу боис у барча соҳаларда, айниқса, умумий тинчлик ўрнатиш учун долзарб бўлмиш терроризмга қарши курашда аҳамиятли ва зарур шерикдир.*

*Жаҳон тарихи цивилизациясининг эътиборли бўлагини ташкил этувчи Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига амалга оширилган зиёрат менда унутилмас таассуротлар қолдирди.*

*Ўрта асрларда ҳам Польша Ўрта Осиё билан яқин алоқада бўлган. Кейинроқ эса, XIX — XX асрларда сургунда бўлган польшаликлар ушбу минтақа халқлари, уларнинг тарихи ва бой маданиятини ўрганишга муҳим ҳиссаларини қўшганлар. Польшанинг ушбу минтақадаги сиёсий ва иқтисодий фаоллиги умуман янги саҳифа очишни эмас, балки бизга маълум шериклар билан алоқаларни тиклашни англатади.*

*Менинг Девоним ва тегишли вазирликлар айни пайтда ташрифга оид битимларни амалга ошириш устида фаол иш олиб боришмоқда.*

*Яна бир карра меҳмоннавозлик учун чин қалбдан миннатдорлик билдираман ва дипломатик каналлар орқали Сиз учун мақбул вақт белгиланишига ва Сизни яна Варшавада кутлашга умид боғлайман.*

*Юксак эҳтиром ва дўстликни изҳор этиб,*

**Александер КВАСЬНЕВСКИ**
**Польша Республикаси Президенти**
Варшава, 30 октябрь 2002 йил.



# Пудратчи кўзлаган манзил

*Анваржон Шарипов — Чортоқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг бош пудратчиси. У бошлиқ жамоа аҳли ёзда 34 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 60 центнердан сара дон йиғиштириб олган эди. Кузда 53 гектар ердаги пахта ҳосили ҳам мўл бўлди. Ҳосилдорлик 38 центнер ўрнига 50 центнерга етди.*

*— Келгуси йилда ҳар гектар ердан камида 70 центнердан ғалла етиштирмоқчимиз, — дейди Анваржон Шарипов.*

*Пудратчи бу манзилни ҳам забт этиши аниқ. Чунки ҳозир бир текис униб чиққан ғалла майсаларига оби-тобида ишлов беряпти.*

**СУРАТДА: Анваржон Шарипов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ҳарбий хизмат — шарафли бурч

*Мамлакатимизда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш мавсуми қизғин давом этмоқда. Мазкур тадбир Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 сентябрдаги "Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётир.*

Жойларда армия сафига чақирилувчиларни тантанали равишда кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу янгича анъана Қуролли Кучларимизда муддатли ҳарбий хизматга юборилаётган ҳар бир ёш йигит ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолмоқда.

"Тошкент" темир йўл вокзалида ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган чақирилувчиларни кузатишга бағишлаб ўтказилган кўп кишилик митинг ана шундай тадбирлар сирасидан. Унда ҳокимликлар, Қуролли Кучлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари қатнашди. Тадбир Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар вояга етган ҳар бир йигит учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш ўз конституциявий бурчини шунчаки бажаришдан иборат бўлиб қолмай, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли ишга айланиши зарурлигини таъкидлар экан, армия сафига отланган ёшларни ҳарбий хизматни аъло даражада ўташга, доимо мард ва матонатли бўлишга, ота-оналаримиз шон-шуҳрати ва анъаналарини эъзозлаш, Ватан ва халққа садоқат билан хизмат қилишга даъват этди.

Фурсатдан фойдаланиб, чақирилувчилардан айримларини суҳбатга тортдик.

— Ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади, — дейди Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидан армия сафига чақирилган Зафар Жўраев. — Мен хизмат вақтимда ўзимда ана шу фазилатларни шакллантириш ҳамда она юрт олдидаги бурч ва қасамёдимга ҳамиша содиқ қолишга сўз бераман.

— Ҳарбий хизматга Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидан чақирилганман, — дейди Илҳом Ёқубов. — Аскарларга ҳамиша халқимиз Ватан тинчлиги посбонлари, юртини, элини ҳимоя қилишга қодир эр йигит деб қараб келган. Шуларни ўйлаганда, мана мен ҳам вояга етдим, энди менинг ҳам бутун халқимга нафим тегади, деган туйғудан хурсанд бўлиб кетар экансан. Мустақил Ўзбекистон давлатининг аскари бўлиш, очиғини айтсам, мен учун шарафли вазифа. Мамлакатимизнинг кўплаб ёшлари қатори мен ҳам Қуролли Кучларимиз сафида намунали хизмат қилиб, ўз халқимнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Сирғалилик Шуҳрат Абашев ўз қалб сўзларини ана шундай изҳор қилади:

— Армиянинг ўзига яраша мураккаб томонлари ва қийинчиликлари борлигини яхши тушунаман. Шунга қарамай, армия сафида хизмат бурчимни аъло даражада адо этиб, ўз фотиҳасини берган ота-онам, ёру дўстларим юзини ерга қаратмайман. Ҳарбий хизматни тугатиб қайтганимдан кейинги орзуим Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига кириб ўқиш, уни муваффақиятли тамомлаш ва офицер деган шарафли касб эгаси бўлиш.

Бектемир туманидан ҳарбий хизматга чақирилган Ўлмас Худойбердиев, сирғалилик Ерлан Қулимбетов, Ҳамза туманидан Шерзод Қосимов ва бошқалар ҳам юқоридагига ўхшаш самимий ниятларини билдирди.

...Перронда тантанали марш садолари янгради. Чақирилувчилар ҳарбий қисм ва бўлинмалардан келган офицерлар бошчилигида шаҳдам қадам ташлаб, вагонлар сари йўл олди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Бирлашган ҳайъат мажлиси

*Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайъатнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 2003-2005 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси кўриб чиқилди.*

*Мажлисни Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири, Бирлашган ҳайъат раиси Р.Азимов бошқарди.*

Муҳокама этилган масалалар юзасидан макроиқтисодиёт ва статистика, молия вазирликлари, Марказий банк, тижорат банклари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар раҳбарлари сўзга чиқди.

Мажлисда таъкидландики, 2003-2005 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳасининг асосий йўналишлари Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устуворликларини ҳисобга олган ҳолда, 2003 йил учун макроиқтисодий ривожланиш прогнозлари ва Давлат бюджети кўрсаткичлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг республиканинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастур ва қарорлари, хорижий ва халқаро молиявий ташкилотлар билан имзоланган қарз битимлари билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Инвестиция дастури доирасида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

(Давоми 2-бетда).

## Тошкент метрополитени:

# Халқ хизматида 25 йил

Бундан йигирма беш йил муқаддам азим Тошкент шаҳри аҳолиси ажойиб мўъжизанинг гувоҳи бўлди — 1977 йили Тошкент метрополитенининг "Чилонзор" йўналишида дастлабки еросты поезди қатнови йўлга қўйилди. Узунлиги 12 километр бўлган бу йўл аҳолиси гавжум мавзе — Чилонзор туманини шаҳар маркази билан боғлаш имконини берди. 1980 йили мазкур йўналишнинг "Амир Темур хиёбони" — "Пушкин" — "Буюк Ипак йўли" бекатлари фойдаланишга топширилди. Шу тариқа бу йўналишдаги ер ости йўлининг умумий узунлиги 16 километрга етди.

1984 йили метронинг янги йўналиши — "Ўзбекистон" йўли ишга туширилди. Дастлаб бешта бекат фойдаланишга топширилди. 1992 йили эса ўн бир бекатдан иборат мазкур йўналиш тўлалигича халққа хизмат кўрсата бошлади.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида метро транспорти фаолиятини янада яхшилаш ва кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан қисқа вақтда Тошкент метрополитенининг "Юнусобод" йўналиши лойиҳалаштирилди ва қурилиш-пардозлаш ишлари бошлаб юборилди.

Истиқлолнинг қутлуғ ўн йиллик тўйи арафасида узунлиги қарийб саккиз километр бўлган "Юнусобод" йўналиши ишга туширилди. Пойтахт ер ости транспорти инфратузилмаси сезиларли даражада кенгайтирилди, қурилиш-пардозлаш ишларини бажариш учун 38 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Ҳозир мазкур йўналишда олтита — "Минг ўрик", "Юнус Ражабий", "Абдулла Қодирий", "Минор", "Бодомзор" ва "Ҳабиб Абдуллаев" бекатлари аҳолига хизмат кўрсатяпти. Шу кунларда йўлнинг иккинчи қисмида ҳам қурилиш ишлари жадал бормоқда.

Умуман олганда, йигирма беш йил давомида 4 миллиарддан ортиқроқ йўловчи Тошкент метроси хизматидан фойдаланди.

Тошкент метрополитенида мазкур сана муносабати билан бўлиб ўтган маросимда сўзга чиққанлар ана шулар ҳақида гапирдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Сўнгги хабарлар

### Самарқандлик «япон» қиз

**Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Дилафрўз Абдуллаевани бугун нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида яшовчи япон тили мутахассислари, балки японияликлар ҳам яхши билишса ажаб эмас. Яқинда у Ҳамдўстлик мамлакатлари талабалари ўртасида япон тили ва япон тили нотиқлиги бўйича Москвада ўтказилган танловда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.**

**М. ХОЛМАТОВА.**

### «Бешқарсак» — фестиваль ғолиби

**Ургутлик санъаткорлар саҳнага чиқишганида кореялик томошабинларгина эмас, тадбирда иштирок этаётган жаҳоннинг ўн бешдан зиёд давлатлари санъат усталари ҳам уларни олқишладилар. Ҳатто уларга қўшилиб ўзбекча рақсга тушганлар ҳам бўлди. Чунончи Марказий Осиёдан ягона жамоа сифатида қатнашган "Бешқарсак" фестиваль ғолиби бўлди.**

**ЮНЕСКО ташаббуси билан Жанубий Кореяда ўтказилган "Маска ва рақс" деб номланган ушбу фестиваль икки ҳафта давом этди.**

**А. САТТОРОВ.**

### Яроқсиз лампалар ҳам кони фойда

**Айтайлик, лампа куйиб яроқсиз ҳолга келди. Табиийки уни ташлаб юборасиз. Бироқ, уларнинг таркибида симоб моддаси борлиги ҳақида ўйлаб кўрмайсиз ҳам.**

**Навоий тоғ-металлургия комбинатида ана шундай ёритгичларни қайта ишловчи корхона мавжуд. Ҳозирда вилоятдаги 230 корхона ва ташкилотлардан 127 минг дона ана шундай лампа ва приборлар қабул қилинди. Улар янги замонавий технологиялар ёрдамида демеркурлаштирилди ёки таркибидаги симоби ажратиб олинди. Эндиликда навоийликлар "брак" деб ҳисобдан чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлашдан ҳам мўмайгина фойда кўрмоқдалар.**

**"Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида эса люминицент лампаларни демеркуризациялаш қурилмаси ўрнатилмоқда.**

**А. ПИРМАТОВ.**



# Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

*У қатъиятли ва иродали, собитфеъл ва кучли йигит. Спортда, ва, умуман, ҳаётда нимага қодирлигини яхши билади, ўз имкониятларини етарли даражада баҳолай олади. Бу таърифлар XIV Осиё ўйинларининг сувда сузиш бўйича чемпиони Равил Начаев ҳақидадир. "Спорт" газетаси шарҳловчиси Татьяна Кистанова Пусандан Тошкент аэропортига келиб тушган Равил билан шу ернинг ўзида бўлган суҳбатдан кейин шундай хулосага келди.*

*Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг.*

### Конституциямиз — бахтимиз пойдевори

**Сирдарё вилояти мактаблари ўртасида ташкил этилган "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" мавзуидаги кўрик-танлов якунланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу танловда барча ўқувчи-ёшлар ҳуқуқий саводхон эканликларини намойиш этдилар.**

**Танлов натижаларига кўра, Сирдарё туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Б. Саидбеков, боёвутлик Н. Дадабоева ва ховослик А. Норбековлар ғолибликни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олдилар.**

**А. ХОНИМҚУЛОВ.**

### Банк — озодалик ҳомийси

**Қўқон шаҳридаги хусусий акциядорлик -тижорат "Универсал"банки фолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ шу давр ичида у ўзининг савобли ишлари билан эл оғзига тушди. Мазкур банк шаҳардаги ўз-ўзини бошқарув органлари ўртасида "Энг озода маҳалла" танловини эълон қилган эди. Танлов якунига кўра шаҳарнинг 33,36, ва 58 маҳаллалари банк совринига сазовор бўлди.**

**Набижон СОБИР.**




# Давлат божхона қўмитаси раисига саволларингиз борми?

## Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

- *Мамлакатимизда божхона қонунчилиги устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар Сизни қизиқтирадими?*
- *Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ечимида қандай саволлар туғилмоқда?*
- *Мамлакатимиз ички бозорини ҳимоялаш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек, ноқонуний товар-моддий бойликлар ҳаракатланишининг олдини олиш борасида божхона тизимида қандай тўсиқлар мавжуд, деб ўйлайсиз?*

Хуллас, божхона тизимидаги ўзгаришлар, ислоҳот одимларига оид савол, таклиф, мулоҳазаларингизни баён этиш ниятингиз бўлса, **бугун соат 10.00 дан 12.00 гача** (8-371) 120-76-41, 120-76-66, 120-76-30, 120-76-23 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг. Сизни Давлат божхона қўмитаси раиси **Равшан ҲАЙДАРОВ** шахсан эшитади ва саволларингизга жавоб беради.

**Агар саволларни олдиндан бермоқчи бўлсангиз, (8-371) 136-07-94 телефони ёки (8-371) 144-34-86, 133-52-55, 133-57-34 факслари орқали мурожаат этишингиз мумкин.**


**Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун? Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи устун**

**Обуна 2003**

**Агар сиз**

***— ҳуқуқий давлат қураётган жамиятга муносиб фуқаро бўлай десангиз,***

***— икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишни истасангиз,***

***— дунёда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасангиз,***

**«Халқ сўзи»**га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.
Нашр индексимиз — 229



**«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («манзил варағи»): http: //mtu. uzpak. uz/ uzbek. html**

***Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағнинг 0,1-1 фоизигача ҳақ тўланади. Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга етказиб беришни зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.***

Қадрият

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, «Дин афюндир» деб эълон қилган мустабид тузумдан халос бўлиб, «Дин ахлоқдир, маънавиятдир, маърифатдир» деган ҳақиқатга амал қилаётган мустақил Ватан фуқаролари мартабасига эга бўлдик.*

*Дарҳақиқат, муқаддас динимиз Ислом ахлоқ, маънавият, маърифат, руҳий баркамоллик динидир. Ушбу фикримизни пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг «Мен гўзал ахлоқларни мукаммал этмоқ учун пайғамбар қилиб юборилдим» деган ҳадиси мубораклари ҳам тасдиқлайди.*

# Дин ва ахлоқ

Яратган Эгамиз томонидан айнан қурайш қабиласи вакили Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг (с.а.в.) пайғамбарлик мақомига кўтарилишига ҳам Расули Акрамнинг ҳалол, тўғрисўз, самимий ва диёнатли эканликлари сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримда «Эй Муҳаммад, Сиз буюк ахлоқ соҳибисиз», дея марҳамат қилинади.

Аллоҳ томонидан нозил қилинган барча динлар, хусусан Ислом дини ҳам инсоният ахлоқсизлик ва жаҳолатга юз буриб кетаётган тарихий паллада, ўзи суйган зот — Пайғамбар (с.а.в.) воситасида нозил қилинган ва асосий вазифаси юксак ахлоқ, маърифат ҳамда руҳоният соҳибларини тарбиялашдан иборат бўлган.

Ҳақиқий мусулмоннинг қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини пайғамбар алайҳиссалом ҳадиси муборакларида батафсил баён қилганлар: «тилидан ва қўлидан бировга зарар етмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир», дейилади уларнинг бирида. Демак, зулм, тажовузкорлик, қўполлик, дилозорлик мусулмон кишига хос эмас. Яна бир ҳадиси муборакда Расулуллоҳ: «одамларнинг энг яхшиси инсониятга кўпроқ манфаат келтирадиганидир», деб марҳамат қилганлар. Яъни ким жамиятга кўпроқ моддий ва маънавий манфаат етказса, ўша одам комил мусулмондир.

Динимизда илм олиш ва меҳнат қилиш ҳар мусулмон учун бурч қилиб қўйилган: «Илмни Хитойда бўлса ҳам, ўрганинглар», деб кўрсатма берганлар пайғамбаримиз (с.а.в.). Яна бир ҳадиси шарифда шундай дейилади: «Агар қиёмат бошланиб қолсаю, бирортангизнинг қўлингизда кўчат бўлса, уни имкон қадар экиб қўйиб, кейин ўриндан турсин». Пайғамбаримиз (с.а.в.) узуккун масжидда ибодат билан бўлиб, егулик-ичимликни бошқалар олиб келади, деб умидвор бўлганларни ёмон кўрганлар, қўл меҳнати билан кун кўрувчиларни мақтаганлар ва Аллоҳ ва унинг расули меҳнаткаш қўлларни ҳурмат қилади, деганлар. Бинобарин, Аллоҳга эътиқод қилиш меҳнат қилиш, моддий ва маънавий қадриятлар яратишдан ва улардан баҳраманд бўлишдан воз кечишни англатмайди. Аллоҳнинг номини зикр қилган, унинг буйруқларини бажарган ҳолда, зарур нарсаларни муҳайё қилиш ўз зиммамизда эканини унутмаслигимиз керак. Аллоҳ меҳнат қилувчи ҳамда ҳаракат қилувчилар билан биргадир. Ал-Раъд сурасининг 11-оятида «Ҳақиқатан Аллоҳ кишилар ният мақсадларини ўзгартирмагунларича, уларнинг ҳолатини ўзгартирмас», дейилган. Халифалардан Умар ибн Хаттобнинг «Осмондан на олтин, на кумуш ёмғир бўлиб тушмайди», деган машҳур ибораси ҳам, у зотнинг меҳнат қилиб насиба топишига бўлган чақириқлари ҳам пайғамбаримиз (с.а.в.) ва саҳобаларнинг қўл меҳнатига, ҳалол тер тўкиб тирикчилик ўтказишига бўлган эътиборлари ҳамда даъватларини тасдиқлайди.

Динимиз ота-онага эҳтиромни исломий ахлоқнинг асосларидан бири, деб билади. Расулуллоҳнинг «Жаннат оналарингизнинг оёқлари остидадир», «Аввало онангизга, яна онангизга, такрор онангизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг», «Ота-она тириклигида уларнинг ҳар иккисининг, ҳеч бўлмаса биттасининг розилигини ололмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин» мазмунидаги муборак кўрсатмалари фикримизга мисол ва далилдир. Қуръони Карим ва ҳадисларда фарзанд тарбияси, аёлларга муносабат, қўшнилар, қариндош-уруғлар билан муомала мавзуларига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Ёлғон сўзламаслик, ҳалоллик, фитнадан йироқ бўлиш, қон тўкмаслик, зулм қилмаслик, зино, қимор, ичкилик каби фахш ишларни қилмаслик ҳам динимиз кўрсатмаларидир.

Кўриб турибмизки, Ислом динининг асосий мақсади ахлоқий камолотдир.

Афсуски, мана шундай юксак инсоний қадриятларни ўзида жамлаган муқаддас динимизни баъзи шум ниятли тоифалар, тажовузкорлар, жиноятчилар манфур ва бемаъни ғояларга ниқоб қилишга уриниб келмоқдалар. Дини-диёнатдан бехабар, диний ва дунёвий ишларда саводсиз айрим жоҳил кимсалар бундай тоифаларга эргашиб, жиноят йўлига кириб қолмоқдалар. Улар Аллоҳнинг «Фирқаларга бўлинмаслик», «Аллоҳга, пайғамбарларига ва сайлаб қўйилган бошлиқларга итоат қилинг», «Динда мажбурлашнинг йўқлиги», «Аҳли китобларга ҳурмат билан муомала қилиш» лозимлиги тўғрисидаги буйруқларига амал қилмай жоҳил ва бетайин бошлиқларининг залолат ҳамда ҳалокатга бошлайдиган кўрсатмаларини кўр-кўрона бажармоқдалар. «Одамлар орасида шундай кимсалар борки, дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги «иймони»га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки ўзи (исломга) душманларнинг ашаддийсидир», дейилади бундай кимсалар ҳақида Бақара сурасининг 204-оятида.

Сўнгги вақтларда жаҳонда содир бўлаётган воқеалар улар танлаган йўлнинг биринчи навбатда ўзлари ва яқинларига, қолаверса, муқаддас динимиз учун, инсоният учун нақадар хавфли эканини кўрсатиб турибди.

Биз муҳтарам юртдошларимизни, айниқса ва биринчи навбатда ёшларимизни бундай тоифа кишиларнинг пуч «ғоя» ва «даъват»ларига учмасликка, Аллоҳнинг розилиги, энг аввало, ота-она розилиги эл-юрт розилигида эканини унутмасликка ҳамда юксак ахлоқ ва руҳоният соҳиблари бўлишга чақирамиз.

**Шоазим МИНОВАРОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси.**
**Анвар ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳар бош имом хатиби.**

# Бирлашган ҳайъат мажлиси

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

— республика саноат салоҳиятини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш жараёнини такомиллаштириш;

— маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлайдиган ва экспорт салоҳияти ўсишини таъминлаётган тармоқларни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш;

— кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш;

— бозор, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш;

— ижтимоий соҳа, биринчи галда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғинининг моддий-техника базасини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли истиқомат жойларини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш бўйича мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш.

Дастур лойиҳасига кўра кўриб чиқилаётган даврда молиялашнинг барча манбалари ҳисобига капитал қуйилмалар ҳақиқий ҳажмини йилига ўртача 4 фоизга ошириш кутилмоқда.

Капитал қуйилмаларнинг ялпи ички маҳсулот тузилмасидаги солиштирма салмоғи ўртача 24 фоизни ташкил этади. Бунда суръат ўсишига марказлаштирилмаган инвестициялар ҳажмининг ўсиши эвазига эришиш мўлжалланмоқда. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида уларнинг солиштирма салмоғи, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, тижорат банкларининг кредитлари, корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳажмининг ўсиши ҳисобига жорий йилдаги 47,9 фоиздан 2005 йилда 58,6 фоизгача ўсади.

Жумладан, жалб этилаётган бевосита хорижий инвестициялар ва кредитларнинг капитал қуйилмалар тузилмасидаги солиштирма салмоғи жорий йилнинг кутилаётган натижаларига нисбатан 2003 йилда қарийб икки баравар ортади.

2003 йилнинг ўзида хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида Талимаржон ТЭСининг энергия блокини ишга тушириш, кўмирчилик тармоғи қувватларини техник қайта жиҳозлашнинг биринчи босқичини амалга ошириш, таркибида олтин бўлган рудаларни қайта ишлаш бўйича "Амантайтов-голдфилдс", акуммуляторлар ишлаб чиқариш бўйича "Ўз-Эксайд", шиша толаларини ишлаб чиқариш бўйича "Ўзгласзайден" қўшма корхоналари, автомобиллар ойналарини ишлаб чиқарувчи "Автоойна" корхонасини ташкил этиш, Фарғонадаги "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиакли селитра ва концентрацияланмаган азот кислотаси ишлаб чиқаришни бошлаш, йигирилган ип, газлама ва трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ҳамда қатор бошқа объектларни барпо этиш режалаштирилмоқда.

Қўнғирот сода заводи қурилиши давом эттирилади, Сурхондарё вилоятидаги "Хонжиза" полиметалл рудалар конини ўзлаштириш, "Кўкпатас" ва "Даугизтов" сульфид рудалар конлари базасида гидрометаллургия корхонаси лойиҳалари бўйича ишлар бошланади. Боғот, Қўқон ва Чирчиқ шаҳарларида тўқимачилик корхоналари, Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг текисликдаги участкалари, Тошкент шаҳрида шиша идишлар корхонаси ва қатор бошқа объектлар қурилиши бошланади.

Умуман, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ялпи ички маҳсулот ўсишига йилига ўртача камида 2 фоиз миқдорида, экспорт салоҳиятининг кенгайишига, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари ташкил этишнинг ўсишига таъсир кўрсатади.

Ижтимоий соҳага капитал қуйилмалар ҳажми академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳоли истиқомат жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини ислоҳ қилиш, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини таъминлаш инобатга олинган ҳолда прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, 2003 йилда 125 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, 271 та қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. 333 та қишлоқ аҳоли истиқомат жойига тоза ичимлик суви, 266 тасига эса табиий газ етказилади.

Бирлашган ҳайъат мажлиси иштирокчилари томонидан инвестиция дастури параметрларининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар билан мутаносиблигини, ҳукумат кафолатлари асосида жалб этилаётган хорижий инвестиция ва кредитлар самарадорлигини оширишга талабларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Бунда лойиҳаларнинг валютада ўзини-ўзи қоплаши ҳамда маҳаллий хомашёдан фойдаланиш, ялпи ички маҳсулотга ҳисса қўшиш, экспорт салоҳиятини ўстириш ва янги иш ўринларини яратиш устуворлигидан келиб чиқиш лозим.

Бирлашган ҳайъат Ўзбекистон Республикасининг 2003-2005 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури лойиҳасини умуман маъқуллади, унинг мамлакатда тузилмавий ўзгаришларнинг комплекс вазифаларини ҳал этишга қаратилганлигини қайд этди ҳамда Умумиқтисодиёт мажмуининг тегишли марказий иқтисодий органларига бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олган ҳолда дастурни тўлдириш ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни топширди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Миллий университетида "Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. БМТ томонидан 2002 йил Жаҳон тоғлар ва экотуризм йили деб эълон қилингани муносабати билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларидан олимлар иштирок этди.*

# Илмий-амалий анжуман

Тоғлар ер юзидаги қуруқликнинг 40 фоизини ташкил этади. Хомашё, ўсимлик ва ҳайвонот олами бой, табиати бетакрор тоғли ҳудудларда цивилизация кишилик жамиятининг илк босқичларидаёқ тараққий этган. Кейинги йилларда бундай ҳудудларда аҳоли нуфузи ортиши ва ишлаб чиқариш муттасил ривожланиши натижасида кўпгина ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар пайдо бўлди. Чегара билмас бундай муаммоларнинг ечимини топишда бутун дунё давлатлари ва халқлари иштироки тақозо этилмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз ҳудудининг ҳам 21 фоизи тоғ ва тоғолди текисликларидан иборат. Бу жойларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш жабҳалари ривожланган, йирик аҳоли яшаш жойлари мавжуд. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ишлаб чиқариш билан атроф-муҳит мувозанати орасидаги уйғунлик бузилиши табиий бойликлар камайишига олиб келди.

Анжуманда тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, бу ҳудуддаги саноат корхоналарида атроф-муҳитга безарар техника ва технологияларни жорий этишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, тоғ водийларидаги оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштириш жараёнидаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*"Қува"тўқимачилик очиқ турдаги акциядорлик жамиятида 600 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади. Бу ердагиларнинг унумли ишлашлари ва дам олишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Айни кунларда пахтани қайта ишловчи ушбу корхонада иш қизғин. Бир томондан корхонанинг тўқув цехида қўшимча дастгоҳлар ўрнатилаётган бўлса, бир томондан ишлаб чиқаришга чет эл инвесторларини жалб этиш сари ҳаракат олиб борилаётир. Режадаги ишлар амалга ошса, корхона қуввати ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ҳам кўпаяди. Энг асосийси яна 300 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланадилар.*

**СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Исмоилжон Турсунов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Қишлов — чорвадор учун синов

Чорвани қишнинг аёзли кунларидан беталофат ва соғлом олиб чиқишни ўйлаган тажрибали чорвадор, табиийки, мавсумга жиддий ҳозирлик кўради. Қишлов учун жой ҳозирлайди, етарлича ем-хашак жамғаради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, айни чоғда жойларда қишлов учун ширадор озуқа, силос, дағал хашак тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Айниқса, қашқадарёлик чорвадорлар ширадор озуқа жамғариш топшириғини 267 фоиз бажарди. Вилоятда дағал хашак ҳам мўлжаллагидан кўпроқ йиғилди. Навоий, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ҳам чорва учун озуқа тўплаш ишларига етарлича эътибор қаратиляпти.

Йил серёғин келгани боис далалардан истаганча табиий хашак ва сомон йиғиштириб олиш мумкин эди. Афсуски, кўпгина жойларда бундай қулай имкониятдан етарлича фойдаланилмади. Натижада дағал хашак тайёрлаш Андижон, Хоразм, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятларида шу вақтга қадар 65-75 фоиз атрофида бажарилди, холос.

Қизиқ бир ҳол. Шу йил баҳорда Наманган вилоятида республика чорвадорларининг семинар-кенгаши ташкил этилиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудлари вакиллари вилоятда мазкур соҳада эришилаётган ютуқлар билан атрофлича таништирилган эди. Вилоятда чорвага озуқа жамғаришнинг бугунги аҳволига келсак, бу ерда маккажўхори ўриш ва дағал хашак тайёрлаш 75 фоизга ҳам етмаган. Агар баҳорда ўтказилган семинардан тегишли амалий хулоса чиқариб олинмаган бўлса, вақт ва маблағ сарфлаб бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ўзи нима эди, дея ўйга толасан киши.

Халқимиз қиш ғамини ёзда е, деб бежиз айтмаган. Бунга амал қилмаган чорвадор қишнинг қорли-қировли кунларида зир югуриб емиш қидириб қолиши аниқ. Шундай экан, соҳа мутасаддилари озуқа тўплаш, қишки молхоналарни мавсумга тайёрлаш билан боғлиқ ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирларини кўришлари зарур.

**О. НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ерда ётган китоблар

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

*Ёшларнинг маънавий камол топишида китоб ва кутубхоналарнинг ўрни беқиёс. Зеро, ёш авлодда китобхонлик маданиятини ўстириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Хўш, Навоий вилоятида бу борада қандай иш олиб борилмоқда? Болалар кутубхоналарининг ҳозирги ҳолати қандай? Уларни адабиётлар билан тўлдириш қай даражада? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида вилоят болалар кутубхонасида бўлдик.*

Хабаримиз бор, ушбу кутубхона бундан икки йил олдин ташкил этилган эди. Кутубхона учун махсус қурилган иморатнинг иккинчи қаватига жойлаштирилганини ҳам билардик (Биринчи қаватда Кармана тумани марказий кутубхонаси жойлашган). Бинога ташқаридан қарасангиз, салобатига маҳлиё бўласиз.

Аммо, бўсағасидан ҳатлашингиз биланоқ таъбингиз хира бўлади. Девор сувоқлари кўчиб тушган, оёқ тагидаги линолиумлар кўпчиганидан юришга қўймайди. Катта, кенг хоналар бўм-бўш, битта стол, 2-3 та стул бор, холос. Анчагина китоблар ерда сочилиб ётибди. Учтўртта жавонларга териб қўйилган адабиётлар сарғайиб, титилиб кетган.

— Кўриб турганингиздек, оғир шароитда ишлаяпмиз, — деди ўнғайсизланиб кутубхона директори Зебо Турсунова. — Биномиздан нолимаймиз. 120 квадрат метр жойни эгаллаб турибмиз. Аммо, у таъмирталаб, иситиш тизими ишламайди. Стол,стул, китоб жавонлари, мебель, каталог бюролари етишмайди. Вилоят маданият ва молия бошқармаларига бир неча марта мурожаат этдик. Жавоб эса бир хил: «маблағ йўқ».

— Дардимизни айтганимиз билан бирор ўзгариш бўлишига ишонмайман, — дея гапга қўшилди ўзини хизмат кўрсатиш бўлими мудири деб таништирган Ойша Самиева. — Сизни нима қизиқтиради ўзи? Китоб фондими? Унда эшитинг: Абдулла Қодирий номли вилоят марказий кутубхонасидан ажралиб чиққанимизда 14643 та китоб бор эди. Шунга қўшиб кейин яна 17 мингта китоб ажратилди. 2001 йилда 1336 та, бу йил 733 та китоб сотиб олинди. Ҳозир жами 36322 та китобимиз бор. Унинг 16132 таси ўзбек, 20190 таси рус тилида. Болалар севиб ўқийдиган лотин алифбосидаги китоблар жуда кам...

Кутубхона жойлашган Кармана шаҳри марказида русийзабон аҳоли ниҳоятда кам. Шундай бўлгач, мавжуд китобларнинг аксарияти рус тилида эканлиги ажабланарли, албатта. Биз 2-3 та жавондаги ва ерда уйилиб ётган китобларни кўздан кечирдик. Кераксизлари кўп. Собиқ шўро замонини мадҳ этувчи асарлар анчагина.

Унда кутубхонага болалар қатнамаётгандир, дерсиз. Йўқ. Китобларни қайта ишлаш ва мижозлар бўлими мудири Шоира Ашурметованинг 9 ойлик ҳисоботида китобхонлар сони 5831 нафар деб кўрсатилган. Қатнов сони 13486, жами 19237 та китоб тарқатилган. Аммо икки соатлар чамасида бу ерда умуман китобхонларни учратмадик.

Газета ва журналлар обунаси билан қизиққанимизда сарғайиб, чанг босиб ётган чала-чулпа бир-икки газета тахламларига дуч келдик: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон» ва вилоятнинг «Дўстлик байроғи» газеталари.

— Ўтган йили саноқли газеталарга обуна қилинган эдик, — деди кутубхона мудири хижолат тортиб. — Бу йил кўпайтиришга ваъда беришган.

Унинг хонасига кирамиз. Стол, иккита юмшоқ стулча қўйилган.

— Кўнглингиздаги гапни сезаябман, стулларни уйимдан келтирганман. Ҳар қалай ўриндиқ керак-да.

Сўнгра ўтган ойлар давомида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботни, мавжуд жиҳозлар рўйхатини ва яна 2-3 та ҳужжатларни қўлимизга тутқазди. 13 варақдан иборат ҳисоботни варақлаб билдикки, ўнлаб тадбирлар ўтказилган. Унда кўрик-танловлар, китоб кўргазмалари, қўчма кутубхоналар, давра суҳбатлари, болалар боғчаларида турли анжуманлар, 9 та тумандаги кутубхоналарга услубий ёрдам кўрсатилганлиги қайд этилган.

Қўлимиздаги ҳужжатларнинг бири Республика Давлат болалар кутубхонаси директори Ф.Бухорованинг вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи С.Ғаффоровга ёзган илтимосномаси экан. 10 июль санаси қайд этилган ушбу хатда мазкур маскан барча болалар кутубхоналари ишини мувофиқлаштирувчи, услубий ёрдам берувчи, нашрлар тайёрлаб, чоп этувчи илғор тажрибаларни тарғиб этувчи, ҳисоботларни умумлаштирувчи, умуман йўл-йўриқ кўрсатувчи даргоҳлиги таъкидланиб, уни жиҳозлар билан етарли таъминлаш, 28 штат бирлиги ажратиш сўралган. Унга ҳам, директорнинг мурожаатномаларига ҳам ҳеч ким ўгирилиб қарамабди.

Одатда гап китобхонлик масаласига бориб тақалганда айбни ёшларнинг ўзига тўнкаймиз, уларни китоб ўқишдан, мутолаадан безганликда айблаймиз. Лекин ушбу манзилга қадам босган ўсмирнинг қайта ташрифига ишонгинг келмайди. Боз устига ҳозирги ёшлар қўлларига тушган китобни ўқиб кетавермайди, танлаб ўқишади. Эрта-индин қиш қиличини яланғочлаб келса, ҳувиллаб ётган совуқ хоналарда бир фурсат чидаб ўтиришни кўз олдингизга келтиринг-а.

Хуллас, муаммоларни ким ҳал қилади? Дурустгина зиё маскани қачон ҳақиқий маънавият масканига айланади?

Шу ўринда бир тарихий нақлни келтиришни лозим топдик: буюк табиб Абу Али ибн Сино ўз давридаги ҳукмдорлардан бирини даволагач, подшоҳ ундан хизмат эвазига тилагини сўраганида, сарой кутубхонасидан фойдаланишга изн сўрабди, холос. Китобга, кутубхонага бўлган бундай ҳурмат ва эҳтиром унинг мутасаддиларига сабоқ бўлмоғи лозим.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қўшма корхоналарда

# Маошу мукофотдан камимиз йўқ

*Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида шўъба корхоналарнинг филиалларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 53 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Олтинсой туманидаги «EAST-WEST Surxon» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси уларнинг энг кенжаси ва иқтисодий жиҳатдан бақувватидир.*

Корхонанинг таъсисчилари Германиянинг «FiT FOOD international Trading GmBH» ва Ўзбекистоннинг «Bek-AD» фирмалари ҳисобланади. «BER - AD» мева ва сабзавотни қуритишга ихтисослашган бўлиб, шу йилнинг бошида Олтинсойдаги мева-сабзавот қуритиш заводини «Кимошди» савдосида сотиб олди. Шундан кейингина бу заводнинг занг босган машина-ускуналари ҳаракатга келди.

Гап шундаки, Италиянинг «Сандвиг» линияси билан жиҳозланган, кунига 100 тоннагача мева ва сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ана шу заводнинг қурилганига ўн беш йилча бўлган эди. 1998 йилда буён эса у тақа-тақ тўхтатиб қўйилганди.

Бугунги кунда унинг негизида ташкил этилган қўшма корхонада 540 нафар киши ишламоқда. Уларнинг 500 нафари мавсумий ишчилардир. Мавсумий деганимиз аслида шартли маънода. Чунки корхона муҳандиси Мурод Валиевнинг гапларига қараганда, бу ерда йил — ўн икки ой мобайнида иш тўхтамайди. Сабаби — ширкат хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномага мувофиқ, мева ва сабзавот маҳсулотлари узлуксиз ташиб келтирилаётир. Туман ҳокимлиги эса жамоанинг ўзига сабзавот етиштириш учун 100 гектарча майдонни ажратиш масаласини кўриб чиқмоқда. Демак, бундан буён деҳқон сабзи-пиёзни ёки болгар қалампирини машиналарга ортиб, харажат сарфлаб, узоқ бозорларга қатнамайди. «Маҳсулотим бозорда ўтармикан-йўқмикан?» деб ранги сарғаймайди. Шундоқ оёғининг остида гуриллаб ишлаб турган қўшма корхонага шартномавий нархларда сотаверади.

— Корхонамизнинг дарвозаси эса ҳамиша очиқ, — дейди Мурод Валиев. — Қуритилган ва витаминлари ўзида юз фоиз сақлаб қолинган мева ва сабзавот маҳсулотларини Голландия, Америка ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилиш бўйича шартномаларимиз бор. Бу шартномаларга асосан бир йилнинг ўзида минг тонна қуритилган укроп, шунча тонна қуритилган болгар қалампирини экспортга чиқармоғимиз керак.

Биз узунлиги 25 метрга чўзилган «Садвиг» линиясининг ишлашини кузатамиз. Ишчи-операторлар — маҳаллий йигит-қизлар. Уларнинг бир қисми яқинда Германиядан келтирилган сабзавотни майдаловчи агрегатни бошқармоқда. Маҳсулотни ювиш-тозалаш ишлари ҳам машиналар зиммасида. Махсус узатгичлар ёрдамида маҳсулот «Сандвиг»-га етказиб берилгач, кўп муддат ўтмасдан, қарабсизки, маҳсулот тайёр!

Завод ишлаяпти. Ҳовли тўла ишчи.

— Биз, беш опа-сингил Хўжасоат деган тоғ қишлоғидан келганмиз, — дейди ишчилардан бири Гулшод Абилова. — Қатнашимиз учун корхона автобус ажратган. Тушликда корхона ҳисобидан иссиқ овқат берилади. Маошу мукофот — нақд. Яхши экан бу қўшма корхона дегани...

Бу фикрни бошқалар ҳам тасдиқлашди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Деновнинг 43990 тонна пахтаси

**Сурхондарё воҳасининг катта карвонларидан бири — Денов тумани пахтакорлари қабул пунктларига 43990 тонна пахта топшириб, йиллик шартнома режасини бажардилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 34 центнерни ташкил этди. Ялпи маҳсулотнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу 6 миллиард сўмдан кўпроқ даромад олиш имконини беради.**

**Эришилган ютуққа, айниқса, "Ҳазорбоғ", Собир Раҳимов номли, Бобур номли, "Мустақиллик" ширкат хўжаликлари деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар.**

**Туман хўжаликларида пахта йиғим-терими давом этмоқда. Шу билан бирга, шудгорлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди.**

**Ўз мухбиримиз.**

